


(Давоми иккинчи бетда)



(Боши биринчи бетда)

Янги Программанинг турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш йўллари турлича эканлиги тўғрисидаги, социалистик мамлакатларнинг коммунизмга кўпми-озми бир вақтда чиқиши тўғрисидаги, ҳозир

Партиямиз ўзининг XXII съезди-
да бир қачондаги ҳам бирдам
бўлиб кетди, деди О. В. Куусинен.
У, съездда Мологов, Каганович,
Маленков, Ворошилов, Булганин,
Перахун, Сабуров ва Шенилов-
лар фракциячи группасининг анти-
партиявий фаолиятини қатъий қо-
ралаб чиққан ўтқорларнинг фикри-
га тўла қўшилганлигини айтди.

Ўзотон Куусинен сўзини давом
этитириб айтдики, биз коммунистик
харакатини қалдарко жипселигини
наттиги турбн химоя қилишни Ғз
бурчи деб ҳисобловчи интернацио-
налистлар сифатида Албания Мех-

қиллига отиди. Қардон коммунист ва ишчи партияларнинг вакиллари съезди табриқлашди.

— Тунис Коммунист партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Муҳаммад Хармелга сўз берилди.

— Биз, дейди ўртоқ Муҳаммад Хармел, империалистларнинг Визертадаги агрессияси даврида мамлакатимизни қўллаб-қувватлаганликлар учун совет халқига ва унинг ҳукуматига шу фурсатдан фойдаланиб ташаккур изҳор қилайми. Совет Иттифоқи ҳақиқий эшик учун кураш олиб бораётган

ташнинг чинакам истакан кишиллар, па
уш мамлакатнинг суверенитетини, г
хаттиги турли ҳимоя қилишни аста
ан кишиллар Совет Иттифоқи э
ларининг қураётди, ишончли, бе
ауш айтишқиси ва муаммала
қилишнинг аниқлиги душмани экан
инини яқин билдилади.

АҚШ бошчилигидаги «эркин
дунё», деб ўзини давом эттириди
потик, халқ оmmas назарида ўзи
ни тамомлаш фoш қилиб қўйди.

АҚШ ўзини Туниснинг афси ва
иттифоқиси деб эълон қилган
дунё. Аммо Визердаги аюқлар
Американинг сибасини ақол кўр

СТЯБРДАГИ

КЕЧКИ МАЖ

ларини бузаётган Албания Меҳ-
партиясининг раҳбарлари
ларко коммунистия ва ишчилар
ракатига зарар етказётганлик-
рига аминин.

Азиз Уртотлар, дейди нутқининг
лири ўтқок Хармел, сизлар бу
а инсониятнинг бахт-саодати йд-
да амалга оширадиган комму-
нист улут Программаси учун ми-
лдорчиликни қабул қилгай.

Улуғ Ленин партиясининг XXII
езди, дейди Туркия Коммуни-
партияси Марказий Комитети
ебий бюросининг аъзоси ўтқок
уб Демир, инсоният тарихида
қ порлоқ саҳифа очади. Совет
тифози Коммунистик партияси-

КЛИСИ

яги Программаси ишчилар
ри ва бутун инсониятнинг тап-
лиги гимиidir, империалистлар
ни аса жаноза марсиасидир,
XII съезд ва КПСС Програм-
ни халқаро коммунист, ишчи
акати ва миллий-озодлик ҳа-
тини ривожлантириш учун ан-
мониятлар очиб беришни
кидаб, Ҳуқоқ Еқуб Демир яна
дагиллари айтиди: Албания
ида партиясининг раҳбарла-
р Леонин партиясига қарши, бу
тивнинг яги Программасига ва
ун социалистик лагерга қарши
огарик ҳаракатлари билан ин-
иалистларнинг тегиримония су-
моқдалар. Албания Меҳнат

(Давоми ўқини бекда).

(Давоми учинчи бетда)

Оржоникидзе район меҳнаткашларининг партиямиз XXII съездида совғаси

Район пахтакорлари 5571 гектар ернинг ҳар гектаридан 32,9 центнердан ҳосил кўтардилар. Она-Ватанга 18 минг тонна „оқ олтин“ етказиб берилди. Бу ўтган йилдагидан 7600 тонна ортиқ, демаскир

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ



Суратларда: Оржоникидзе район пахта далаларининг илғорларидан (чапдан) Киров номи колхозининг бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муборак Йўлдошева, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг юқори ҳосилли бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров, Хрушчев номи колхозининг илғор теримчиси А. Жалолова, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг чевар теримчиси М. Молванова, Киров номи колхозининг кўпмийнги килограммчи теримчиси Ҳ. Десенбоев ва ўртоқлари.

Юзимиз ёруғ бўлди

Улуғвор етти йиллигининг учинчи йили асрлар давомида ёдда сақланадиган қувончли воқеаларга бўлиб-тошмоқда. Ана шу воқеаларнинг бири жонажон Коммунистик партиянинг тарихий XXII съезди бўлди. Бу съезд порлоқ истиқболимиз — коммунизм қуришнинг улуғвор Программасини ёрқин белгилар берди.

Бригадаси пахтакорлари ана шу қувончли дамларни зиммаларига олган юксак мажбуриятни шараф билан бажариб, ёруғ юз билан кутди олдлар. 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан ошириб «оқ олтин» ҳосили олинди. Давлатга биринчи сирли пахта сотдик. Териб олган пахтамининг ҳаммасини тайёрлов пунктларига қоп-қанорис ташиб бердик.

Бундай муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта. Бригадасининг азамат пахтакорлари эрта баҳордан бошлаб халққа, она-Ватанга берган сўзларининг устидан қилиш учун енг шимариб ишга тушдилар. Ўзга парварини даврида талайгина қийинчиликларга дуч келинди. Ёз ойларида сув танқис бўлди. Бироқ, пахтакорларимиз бу қийинчиликдан қўчмадилар, ишга дадил киришдилар.

Пахтакорларимизнинг фидокорлик кўрсатиб қилган меҳнатлари зое кетмади. Улар кузга келиб етиштирилган «оқ олтин»ларини эр гайрат билан йиғиб-териб ола бошладилар. Ёз съезд очилиши арафасида — 15 октябрда социалистик мажбуриятининг бажариб, юзимизни ёруғ қилдик.

Ҳозирги кунларда ҳам бригадамизда йиғим-терим суръати пасайгани йўқ. Бригадасининг ҳар бир пахтакори 7 ноябрга қадар ҳар гектар ердан яна 7 центнердан пахта ҳосили териб олиш юзасидан олинган янги мажбуриятни тўла-тўқис бажариш учун гайрат қилаётти.

М. ҚОРАХУЖАЕВ,

«Сталинград» колхозининг бригадаси бошлиғи.

Бизнинг аҳдимиз

Биз етти йиллигининг учинчи йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтаришга бел болаганмиз. Бу бизнинг Улуғ Октябр социалистик революциясининг 44 йиллиги кунига тайёрлаган тўхтамиз бўлди. Ҳозир эса ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳам кўпроқ «оқ олтин» кўтардик. Бундай муваффақиятга қандай қилиб эришилди?

Ўтган йили йўл қўйилган камчилардан тегишли хулоса чиқариб олиб, бу йил эр уюшқоқлик билан меҳнат қилдик. Ўтган йили ерлар гузапполлардан тозаланиб сифатли шудор қилиб қўйилган эди. Ҳар гектар ерга 10 тоннадан маҳаллий ўғит, селитра ва суперфосфат арашмаси солидик. Эрта баҳордан ерларни бороналаб чигит ақдик. Азамат механизаторларимиз эа бўйи гўза қатор ораларига ишлов беришда баракали меҳнат қилдилар. Колхозчиларнинг пахта далаларида унумли меҳнат қилишларига етарли шароит яратиб бердик. Дала шийонларида

ЯНА 1600 ТОННА УЧУН

Районимиз меҳнаткашлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров, Хрушчев номи колхозининг илғор теримчиси А. Жалолова, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг чевар теримчиси М. Молванова, Киров номи колхозининг кўпмийнги килограммчи теримчиси Ҳ. Десенбоев ва ўртоқлари.

Ҳушчаев номи колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Тўхта Абдуллаева бошлиқ бригадаси гектаридан 40 центнердан, Киров номи колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Муборак Йўлдошева бошлиқ бригадаси эса гектаридан 39,1 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олд.

Ленин орденли Бутуниттифок

Пахтачилик илмий-текшириш институтининг коллектив пахта тайёрлаш давлат планини 104 процент қилиб бажарди ва гектар бошига 38,2 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлди.

Районимиз пахтакорлари бундай улкан муваффақиятларга Коммунистик партия ва Совет ҳукумати-нинг қиллоқ хўжалигига қўрсатган катта ёрдами туфайли, қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг доно маслаҳатларини амалий ишга тадбиқ қилганликлари туфайли эришдилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев ташаббус билан тузилган новаторлар кенгашлари қиллоқ хўжалик ишлаб чиқаришга комплекс механизацияни жорий қилишда ва янги, прогрессив агротехникани қўлланшда ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Новаторлар кенгашларининг йилида 300 дан ортиқ қиллоқ хўжалик новаторлари, мутахассислари ва илмий-текшириш институтларининг олим-

лари актив иштирок этдилар. Жонажон партиясининг тарихий XXII съезди бўлаётган бир пайтда район узум сотиш йиллик планини 109 процент, мева сотиш планини 107 процент, жун сотиш планини 100 процент, тухум сотиш планини 142 процент, шилла сотиш планини 101,6 процент қилиб адо этди. Давлатга 1376 тонна гўшт, 4246 тонна сўт, 15 минг 831 тонна сабзавот, 2876 тонна картошка, 1811 тонна қовун-тарвуз маҳсулотлари сотилди. Чорвачилик учун мустаҳкам етказиб берилди. Бундан ташқари, маккажўҳорида 42 минг тонна силос бостирилди.

Райондаги саноат корхоналарининг коллективлари илми маҳсулот ишлаб чиқариш 9 ойлик планини 103,7 процент қилиб бажардилар.

Районимиз қиллоқ хўжалик меҳнаткашлари шу кунларда КПСС XXII съезди материалларидан, хусусан Н. С. Хрушчевнинг съезде қилган докладыларидан гойат руҳланган ҳолда гектаридан олинган ҳосилдорлигини 36 центнердан ошириб, давлатга пландан ташқари 1600 тонна «оқ олтин» сотиш иштиғида бир гайратларига ўн гайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Ф. БОБОВОЖОНОВ,

район ижроия комитетининг раиси.

ҚАҲРАМОННИНГ ДАЛАСИДА

Колхоз ерининг қоқ ўртасидан икки паллага бўлиб ўтган йўлдан чапга бурилди. Ариқ ёқа-лаб кетган йўлнинг икки четига жойлашган пахтакорларнинг ҳовлилари қиши эътиборини тортди. Шинам, озода уйлар. Узумзор, анороз, олмазор, ўрик ва шафтолизор боллар. Бу бол-роғларнинг кенг пахтазор қўйнида баракали меҳнат қилаётган азамат деҳқонлар яратган.

Эсаётган куз шамолли дарах-ларнинг олтин барглари эрга тўқмоқда. Ана шу бол-роғлар оралаб борган йўл Оржоникидзе районидagi Киров номи колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муборак йўлдошева бошлиқ бригадаси қилаётган 1-бригадаси пахта даласига олиб боради. Бу ерда меҳнат қилиш тус олган. Чевар қизларнинг, чаққон йигитларнинг шўх аялаларини олтин куз шамолли узоқ-узоқларга элтмоқда. Уларнинг меҳнат муваффақиятлари кишига олам-олам қувонч бахш этади. Мўл ҳосил тўплаган азамат пахтакорлар «оқ олтин»нинг далада қолган қис-

мини териб олишга шойилмоқдалар. Улар бу иш ўзларининг шарафли бурчи эканлигини яхши билишад.

Бригада пахтакорлари 80 гектар ерда мўл ҳосил тўпладилар. Ахил коллектив бу йилги терим кампаниясига гойат уюшқоқлик билан киришди. Бригаданинг чевар теримчиси Мастура Ортиқова ўзининг унумли меҳнати туфайли колхоз пахтакорларининг ҳўра-тига сазовор бўлмоқда. Мастура-нини бригада аъзолари пахтазор-лочини деб бекорга айтмайдилар. У, ўзининг ҳалоат меҳнати билан

область Советининг депутатига деган шарафли номни олмамоқда, бир гайратига ўн гайрат қўшиб ишлаб, ҳар кун 150—200 килограммга етказиб пахта термоқда. Мастура жонажон партиями-зининг тарихий XXII съезди шара-фига 10 тонна пахта териб муно-сиб тухфа тайёрлади. Унинг му-собақадони Рихси Юсупова ҳам Мастурадан қолишмайди. Рихси ўтган йили 10-синфини тамомлаб, мана шу пахтазорга келган. У,

пахтазор қўйнида икки йил бара-кали меҳнат қилмоқчи. Рихси-нинг қўли билан терилиб, эа хирмонига тўқилган пахталар саккиз тоннадан ошиб кетди. Далада тер тўқиб меҳнат қила-ётган Манзура Алиматова, Хур-санд Ҳайитбоева каби кўпмийн-гилорамчи теримчилар брига-дада оз эмас.

Бригада аъзоларининг барака-ли меҳнати туфайли 23 октябр-кун ҳар гектар ердан 35 цент-нердан ҳосил кўтарилиб, йиллик пахта тайёрлаш плани бажари-лди.

Партиямизнинг тарихий XXII съезди материалларидан руҳлан-ган бригада аъзолари шу кун-ларда янада гайрат билан меҳ-нат қилмоқдалар. Уларнинг мақ-садлари битта, у ҳам бўлса Улуғ Октябр социалистик революция-сининг 44 йиллиги кунига ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳо-сил тухфа тайёрлади. Иши билан сўзи бир бўлган бу коллектив албатта ўз сўзининг устидан чиқади.

С. ШОКАРИМОВ.

Зўр уюшқоқлик билан

Бу йил колхозимиз пахтакорлари 1760 гектар ерга чигит ақиб, гектар бошига пландаги 32,5 центнер ўри-га 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш учун енг шимариб ишга тушган эдилар. Ёз бўйи қилинган фидокорона меҳнат кузга келиб, ўз самараларини кўрсатди.

Йиғим-теримнинг дастлабки кун-лариданоқ 21 та пахтачилик брига-даси ўртасида КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақа авж олиб кетди. Бу мусобақада, айниқса, ўртоқ Б. Юсуфжонов бошлиқ бригада пахтакорлари ғолиб чиқдилар. Бри-гада далаларида 13 та зангори кема шидат билан пахта терди. Моҳир механик-ҳайдовчилардан А. Абдукаримов, Ш. Тўлаганов, О. Йўлдошев, Т. Нодиров ўртоқларнинг ҳар бири ўз агрегати бункеридан кунига 3—4 тоннадан «оқ олтин» тўқди. Меҳ-натсеварларнинг олий ҳиммати ту-файли бригада 6 октябр кун пахта тайёрлаш йиллик планини ошириб адо этди. 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 45 центнердан ҳосил кўтарилди.

Колхозимизда бундай илғор брига-далар кўп. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада аъзолари съезд давом этаётган кунларда 220 гектар ерининг ҳар гектаридан 39,1 центнердан «оқ олтин» ҳосили териб олиб, далада рапорти бердилар.

КПСС XXII съезди шарафига 6 минг тоннадан кўпроқ пахта армуғун-этан колхозимиз пахтакорлари шу кунларда зиннат олинган социали-стик мажбуриятни шараф билан ба-жариш учун бир гайратларига ўн гайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Т. ҚУЧҚОРОВ,

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг участка агрономи.

Пахта мадҳияси

Ярашди пахтамининг Шанинга минг мадҳия. Ғуруримиз пахта бизнинг, Эрдан юртга ҳадия. Пахтага эл қўйган меҳр, Пахтадан — куй жаранги. Пахта билан ҳар кун бир Кийнаимиз ян-янги.

Қўшиқчининг шўх сасида Пахта авжи баландир. Пахта учун шўх қасида, Шўх қасида монандир. Болларнинг ўйини ҳам, Қўшини ҳам «оқ пахта». Чаноққа қўл уринг илдам Пахтакорлар, шу вақтда — «Оқ олтин»дан хирмон ясанг, Пахтакорлардан қўл бўлсин. Ширимиз: «Терган пахтагн Тоза бўлсин, мўл бўлсин!»

Хайридин САЛОХ



Маматали Эсенов ўзининг пахта терим машинаси бункеридан бу йилги маҳсулда умумхалқ хирмонига 60 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўқди. Суратда: «Қизил Ўзбекистон» колхозининг мо-ҳар механик-ҳайдовчиси М. Эсенов.

А. Абалин фотолари.

„Полярная Звезда“ колхозини пахта тайёрлаш планини бажарди

Ўрта Чирчиқ районидagi «Полярная Звезда» колхозини аъ-золари партиямизнинг XXII съезди шарафига социалистик мусо-бақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажардилар. Тайёрлов пунктларига 4105 тонна ёни ўт-ган йилнинг шу вақтдагига нисбатан 552 тонна ортиқ «оқ ол-тин» етказиб берилди.

757 тонна ҳосил машинада йиғиб олинди. Нам Синман Қ. Сулаймонов, М. Субонов ва И. Тўшбоев каби механик-ҳайдов-чилар айниқса юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, Улуғ Октябр Социалистик революциясининг 44 йиллиги кунига қа-дар яна планга қўшимча равишда 400 тонна «оқ олтин» то-пиштиришга аҳд қилишди.

Колхоз давлатга шилла, жун, тухум ва бошқа қиллоқ хўжа-лик маҳсулотлари сотиш планларини ҳам бажарди.

Меҳнатсевар колхозчилар йиғим-теримини давом эттириш билан бирга кузги-қишки дала ишларини ўз вақтида ўтказиш тадбирларини ҳам кўрмоқдалар.

Пахта — миллий ИФТИХОРИМИЗ

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА (Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Маҳсул б- шидан бери	Бир кунда	Маҳсул б- шидан бери	Қоп-қанорис ташиб
Юқори Чирчиқ	0,37	119,00	—	38,78	59,4
Куй Чирчиқ	0,63	104,54	0,27	88,75	112,7
Оржоникидзе	1,09	100,18	—	27,97	156,6
Пискент	0,66	86,18	—	41,83	100,0
Чиноз	1,17	85,76	—	41,22	108,1
Ўрта Чирчиқ	0,65	84,58	0,17	51,63	82,9
Янгир	0,94	82,54	0,45	70,15	97,4
Янгийўл	0,73	81,81	0,04	37,03	62,3
Бўна	0,74	77,38	0,42	60,80	90,0
Сирдарё	0,68	75,89	0,86	59,92	67,5
Комсомол	0,79	73,69	0,63	50,25	107,7
Оққўрғон	0,78	71,93	0,29	37,15	91,8
Бекобод	0,88	69,17	0,60	40,35	106,6
Гулистон	0,56	58,99	0,85	31,53	54,5
Область бўйича	0,78	79,81	0,41	50,48	89,4

ФУТБОЛ

Мағрурларнинг оқибати

«Пахтакор» ва «Локомотив» (Москва) командалари ўртасида ўтган пайшанба кунини Тошкентда бўлган матч чемпионатининг энг сўнги мусобақаси эди. Бу ўйинда «Пахтакор» ғалаба қилса, ўйинчи ўриндан чиқиб кета оларди. Ураш-шув тамом бўлишига ярим соат қолганда тамошабиллар бунга шуб-ҳа қилмай қўйдилар. Чунки «Пах-такор» рақиблар дарвозасига тўрт-та гол уриб қўйган эди. Ленин аф-суски, ўйин тамошабиллар кутан-дек тамом бўлмади. Бу тўртта гол пахтакорларнинг мағрурлантириб юборди. Ғалаба олдида эсанкираб қолган футболчиларимиз рақибла-рини меҳмасини ўйнаб бошладилар. Химояни кучайтириш ўрнига, бе-худага яна ҳужум қилмоқчи бўл-дилар. Уларнинг мананлиги, эъ-тиборсизлиги оқибатида «Локомо-тив» тошкентликлар дарвозасига кетма-кет тўртта жавоб тўпи кири-тиб, ҳисобини тенглаштирди. Шу-нинг учун ҳам «Пахтакор» ишчи-болари бу ўйиндан ранжиб қайт-дилар.

28 ОКТЯБРДА

18.30. Болалар учун ўз-бек тилида «Еш пахтакор-лар» деган эшитириш.

19.05. КПСС XXII съезди материаллари ва телевизион янгиликлар.

19.35. Композитор А. Эш-пайта бағишланган суҳбатли концерт.

20.10. А. Чехов. «Хилма-хил хикоятлар».

21.30. «Куннинг янгилик-лари» киножурнали.

21.40. Ўзбек тилида «Да-лада ишлаётганлар учун» де-ган эшитириш.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

31 октябрь, 2, 3, 5 ноябрда 2 бўлимда

ЭСТРАДА КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Эргашхон Мирзахмудова, Ўбайдулла Мадр-рахимов, Қозғонистон ССРда хиз-мат кўрсатган артист Жалол Осмон, эстрада солистларидан Фахриддин Умаров, Зокрижон Суатонов, Назира Раҳимова, Ту-хон Қодирова, Собир Маҳмамов ва халқ қолғу асбоблари ан-самбли қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Нақса кундуз соат 2 дан очилади.

К И Н О

КИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Машааллар — «ВАТАН» (кеч соат 6 ва 8 да).

Хазина — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 ва кеч 9-45 минутда).

Дўстим, Қодья — «МИР» (эр-талаб соат 10 да).

Ботқоқ ити — «МИР» (кундуз ва кечкурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва 4 да), «СПУТНИК» (тоқ соатлар-да).

Синчалак (кундуз соат 3-20 ми-нутда ўзбек тилида), Фурқат (кеч 6-50 минутда ўзбек тилида) — НАВОИЙ номи.

Пахлаво — НАВОИЙ номи (кундуз ва кечкурун), «ИСКРА» (кундуз соат 4 гача ҳамма залда), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз 12, 4, кеч 8 ва 10 да).

Икки ҳаёт (1 ва 2-серия) — «ИСКРА» (кундуз соат 12-20 ми-нут, 3 яримда ва кеч 5 дан ҳамма залда).

Қашшоқ куча — «СПУТНИК» (кундуз соатларда).

Яна юлдузлар сари, Қудратли қанотлар — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кун-дуз 2 ва кеч 6 да), «ЎЗБЕКИ-СТОН» (кеч 6, 8 ва 10 да).

ТОШКЕНТ ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УИИДА

(театр зали)
26, 29 октябрда
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ СОЛИСТЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ ар-тисти Комилжон Отанизов, Ўзе-бекистон ССР да хизмат кўрсат-ган артистлар Коммуна Исмон-дова, Меҳри Абдуллаева, Дило-ром Шерова, Эргаш Шукрулла-ев, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист Кенжа-Матназаров, Бутуниттифок ёш-лар конкурси лауреатлари Му-навар Давлатова, Отажон Ра-жабов, солистлардан Тўхта Алихўжаева, Сера Шукророва, Мураббӣ Қосимов, Болта Шар-пов, Амир Холмуродов, Мўмин Мадумаров, Ибодулла Абдула-евлар қатнашади.

Билетлар сотилмоқда.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган наприётининг босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 12616.

Намр. В. 1715.